

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

11 Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю, 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 29 декабрь,
93-мҳ-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 29 декабрь,
89-сон

Ўзбекистон Республикаси
Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуника-
ция технологиялари давлат қўмитаси ва
Молия вазирлигининг 2014 йил
29 декабрдаги 93-мх, 89-сон қарорига
ИЛОВА

**Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар
(уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан
фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 11-банддан «ягона 23411 ҳисоб рақамига ўтказилади ва бир вақтнинг ўзида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Ҳисобот ойи учун тўлов суммаси 23411 ягона ҳисоб рақамига келиб тушади ва тўпланadi ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай ваколатли банкка тўлов ҳужжатларини тақдим этиш йўли билан тақсимланади.

Тўлов суммасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми абонентнинг рўйхатга олинган жойига қараб тегишли Қорақалпоғистон Республикаси бюджетлари ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

Тўлов суммасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми тегишли давлат солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи банк муассасаларида очилган баланс ҳисоб рақами 23402 бўлган тегишли транзит даромад ҳисоб рақамларига ўтказилади.»

3. 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

2014 йил 29 декабрь

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчага
1-ИЛОВА

«Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(юридик шахснинг номи)

20__ йил _____ ойи учун абонент рақамидан фойдаланганлик учун ТЎЛОВ ҲИСОБ-КИТОБИ

Рўйхатдан ўтказилган жой (манзил) бўйича абонент рақамларининг сони (бирл.)*	Белгиланган тўлов миқдори (сўм)	Тўлов суммаси (минг сўм)
Жами <i>шу жумладан:</i> Қорақалпоғистон Республикаси Андижон вилояти Бухоро вилояти Жиззах вилояти Қашқадарё вилояти Навоий вилояти Наманган вилояти Самарқанд вилояти Сурхондарё вилояти Сирдарё вилояти Тошкент вилояти Фарғона вилояти Хоразм вилояти Тошкент шаҳар		

* Абонент рақамларининг сони тўлов амалга ошириладиган ойнинг охириги санаси ҳолатига кўра аниқланади.

Раҳбар

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

М.Ў.».

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчага
2-ИЛОВА

«Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

20 _____ йил _____ ойи учун абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловнинг ҳисобланган ва тўланган суммалари тўғрисида
ЙИФМА АХБОРОТ

Т/р	Регионлар номи	Юридик шахснинг номи			Юридик шахснинг номи		
		абонент рақамларининг сони (бирл.)	тўлов суммаси (минг сўм.)		абонент рақамларининг сони (бирл.)	тўлов суммаси (минг сўм.)	
			ҳисобланган	ҳақиқатан тўланган		ҳисобланган	ҳақиқатан тўланган
	Жами						
	шу жумладан:						
	Қорақалпоғистон Республикаси						
	Андижон вилояти						
	Бухоро вилояти						
	Жиззах вилояти						
	Қашқадарё вилояти						
	Навоий вилояти						
	Наманган вилояти						
	Самарқанд вилояти						
	Сурхондарё вилояти						
	Сирдарё вилояти						
	Тошкент вилояти						
	Фарғона вилояти						
	Хоразм вилояти						

Т/р	Регионлар номи	Юридик шахснинг номи			Юридик шахснинг номи		
		абонент рақамларининг сони (бирл.)	тўлов суммаси (минг сўм.)		абонент рақамларининг сони (бирл.)	тўлов суммаси (минг сўм.)	
			ҳисобланган	ҳақиқатан тўланган		ҳисобланган	ҳақиқатан тўланган
	Тошкент шаҳар						

Раҳбар

 (имзо)

М.Ў.».